



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида қонун қабул қилинди. У жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, шу пайтгача фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлигининг иш юритишида алоҳида дастуруламал бўладиган қонун йўқ эди. Эндиликда бу таъкидланган қай йўсинда иш олиб бориши ушбу ҳужжатда аниқ кўрсатилган. Биз Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқи агентлигида бўлиб, шу таъкидот мутасаддиларидан бири Бобоқул Норқобилодан янги қонун ва унинг бажарилиши қандай йўлга қўйилганлиги хусусида сўхбатлашдик.

Ҳуқуқий давлат сари

МАЪНАВИЙ МУЛК ҲИМОЯСИ

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида бошқа қатор қонунлар билан биргаликда муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун қабул қилинганлигини замон талаби сифатида баҳолаш мумкин, — дейди Бобоқул Норқобилов. — Барча ривожланган мамлакатлар маънавиятга оид бўлган мулкларни, ижод намуналарини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларга эгадирлар. Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган вақтда бутун халқаро ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунлар ўрганиб чиқилди. Бир қатор шартнома, конвенция ва матнлардан фойдаланилди. Жумладан, фан, адабиёт, бадиий асарларни ҳимоя қилишга асосланган Берн конвенцияси, ижрочилар, фонограмма ишлаб чиқарувчилар, кўрсатувлар ва эшиттиришлар тайёрловчилар манфаатини ҳимоя қилувчи Рим конвенцияси, Ернинг сунъий йўлдошлари ёрдамида сигналлар ташийдиган дастурлар тарқатиш тўғрисидаги Брюссель конвенцияси, бутунжаҳон маънавий мулк таъкидотининг дастурлари, муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро меъёрларга оид резолюциялардан унумли фойдаланилди.

— **Бобоқул ака, энди янги қабул қилинган муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонуннинг моҳияти хусусида тўхталиб ўтсангиз.**

— Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун 61 моддадан иборат бўлиб, у асосан уч бўлимга бўлинади. Умумий қоидалар бўлимида муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар қонунига оид атамаларнинг мазмуни ва уларга шарҳлар берилган ҳамда мана шу қонуннинг қай даражада тадбиқ этилиши кўрсатилган. Муаллифлик ҳуқуқи бўлимида эса муаллифлик ҳуқуқининг амал қилиш соҳаси, муаллифлик ҳуқуқининг субъект ва объект тушунчаларини ҳимоя қилиш даражалари кўрсатилган. Ҳаммуаллифлик, асар муаллифлари, фильмлар, ҳосила ва жамланма асарлар, интервью муаллифларининг номулк ҳуқуқлари тушунчалари, асарни эълон қилиш ҳуқуқи, асардан фойдаланиш ҳуқуқи, асарларни сақлаш учун топшириш ва бошқа қатор меъёрлар белгиланганки, улар нафақат Ўзбекистон ҳудудида яшаб турган ижодкорлар, балки Ўзбекистон ҳудудидан ташқаридаги хорижий муаллифларнинг ҳам ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган. Авваламбор муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар қонун халқаро меъёрларга яқинлаштирилганлиги сабабли келгусида республикамизнинг юқорида санаб ўтилган бирор бир конвенцияга аъзо бўлишида ёрдам беради. Бинобарин, мана шундай халқаро аҳамиятга эга бўлган бу қонунимиз барча хорижий муаллифларимизнинг хорижий фуқароларнинг фан, маданият ва турдош ҳуқуқларга оид бўлган асарларининг дахлсизлиги, асарлардан фойдаланилганда тегишли муаллифлик ҳақини ундириш, уларнинг дахлсизлигини таъминлашга имкон туғдиради.

— **Турдош ҳуқуқларга нималар қиради?**

— Турдош ҳуқуқлар деганда радио, телевидение, эфирга узатиш, кабели телевидение, кино билан боғлиқ бўлган жисмоний ва юридик шахс ва ижрочилар, артистлар, актёрлар, режиссёрлар каби ижодий меҳнат билан шуғулланувчи фуқароларнинг, айни вақтда муаллифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўзда тутилди. Чунки, илгарги қонунимизда муаллифларнинг асарлари унинг бутун ҳаёти давомида ва муаллиф вафот этган кундан бошлаб 25 йил давомида ҳимоя қилинадиган бўлса, энди ҳақонинг кўпгина мамлакатларида қабул қилинганлиги муаллифлик ҳуқуқлари асар соҳибига вафотидан сўнг 50 йилгача муҳофаза этилади. Турдош ҳуқуқлар эса муаллифлик ҳуқуқи меъёрларидан бир озгина фарқ қилиб, у радио, телевидение тасвирга туширилган, ёзиб олинган ва эфирга узатилган кундан бошлаб 50 йил мuddатгача ҳимоя қилинади. Мана шу асарни яратган режиссёр, муаллиф, журналист ва бошқа турдаги муаллифларнинг ҳуқуқлари эса улар вафот этган кундан бошлаб 50 йилгача давом этаверади. Янги қонунимизнинг яна бир афзаалиги шундаки, ноширлик фаолияти билан боғлиқ бўлган меъёрларимиз ҳам бор. Дейлик, бир ижодкор ўзининг асарларини ноширлик идораларига олиб берган бўлса, янги қонунга асосан шартнома асосида у ўзининг қалам ҳақини наширёт билан келишиб олади. Бунда белгиланган қалам ҳақи ставкаларидан зиёд ҳақ талаб қилиш мумкин. Ёки асарни сотиш микдоридан ҳам талаб қилиш мумкин. Бу қонун республикамизда ижод қилаётган барча ижодкорларимизнинг асарларидан хорижий мамлакатлар фуқаролари, таъкидотлари фойдаланганда уларнинг муаллифлик ҳуқуқи кафолатланади.

Сўхбатдош
Очил ХАЗРАТОВ.

Жозибадор нақшлар жилосидан нур таралаётган бу зеб-зийнатларни қўлимизга олишимиз билан вужудимизда аллақандай гурурлик, жаҳонга машҳур амалий санъатимиз, машҳур хунармандларимиз билан фахрланиш туйғуларини пайдо бўлди. Собирғулом ака яккаюягона ўғлининг гўзалликка интилиши, уни сеза билиши қобилиятларини билар эдилар. Кичкинтой Фасхиддин нақшлар чизишни жон-дилдан севарди. Ота ўғлига ўз касбини — дурадгорликни ўргатишни истарди. Лекин орзулар ҳамма вақт ҳам сиз истаганингиздек ушалавермайди. Кўпича инсоннинг ҳаёт йўлини, тақдирини кутилмаган сабаблар белгилайди. Фасхиддин ака эса Театр ва расомчилик санъати институтини битириб санъатшунос бўлди. Санъат ва халқ амалиёти санъати музейларидан ишлади. Лекин кўнгли қилинаётган ишдан жилла тўлмади. Худди шу пайтда ажойиб хунарманд билан бўлиб ўтган учрашув тақдирда катта бурилиш ясади. Фасхиддин ака Дадамухамедов билан мулоқотда бўлганимизда бунинг шохиди бўлди.

— **Фасхиддин ака, заргарлик ноёб касб ҳисобланади. Шу касбни кимлардан ўргангансиз?**

— Авваламбор шуни айтишим керакки, мутахассислигим бўйича санъатшуносман. Санъатшунос бўлиб ишлаб юрган вақтларимда Нибёзай Холматов деган бир ажойиб инсон билан танишиб қолдим. Шу одамдан мен заргарлик касбини синларини ўргана бошладим. Ҳозирги кунга улар билан мулоқотда бўлиб тураман. Менинг фақат заргар эмас, расом-заргар бўлиб етишилгимда шу одамнинг меҳнатлари жуда каттадир.

— **Яқинда сиз ясаган заргарлик буюмлари Парижда намойиш этилган**

экан. Ана шу халқро кўргазмага қанақа буюмларни юбордингиз? Шу буюмларни ясада нималарга эътибор бердингиз?

— Менинг ижодимда энг кўзга кўринган ҳамда кўпроқ аҳамият берадиган нарсаси, масалан ўзимизнинг қадимги ўзбек миллий анъанавий заргарлик санъатидир. Май ойида

димга катта таъсир кўрсатди. — **Сиз ўзингиз ҳам заргарлик буюмларини ясада янги-янги шакллар киритар экансиз. Эскилар яратар экансиз, шулар тўғрисида гапириб берсангиз.**

— Ҳозир яратган янги асарларимнинг асосида анъанавий шакллардан фойдаланишга ҳаракат қиламан. Анъанавий

ҳам фойдаланасизми? — **Ҳозир фойдаланаётган материалларимиз қадимда маълум бўлмаган, яқинда топилган минҳор материалдир. У қумушга ўхшайди.**

— **Чет эллик ҳамкорлар ҳам борми?**

— Хорижлик ҳамкорлар йўқ. Чет эллик қизиқувчилар жуда кўп. Кўргазма бўлган вақтларда усталарни таклиф қилишди. Яқинда Туркияда кўргазма бўлиб ўтди. Шунда бизнинг «Усто» бирлашмасидан иккита уста — бири заргар, бири ёғоч ўймаkori шу кўргазмада қатнашиб қайтди. Уларнинг айтиши бўйича халқ амалий санъати буюмлари кўпчилигининг эътиборини қозонган.

— **Ҳозирги халқ амалиёти санъати, хусусий заргарлик ишлари республикамизда қай аҳволда?**

— Ҳозирги кунда заргарлик санъати хом ашё етишимаслиги боис бирмунча суст. Чунки биз асосан минҳор ишлатамиз. Уни борган сари топиш қийин бўлаётти. — **Сиз нима деб ўйлайсиз, соҳагиз бўйича бизнинг шариоитимизда тадбиркорликни кенг миқёсда ташкил этиш мумкинми?**

— Нафақат мумкин, балки, тадбиркорликни ривожлантириш керак. Чунки кўргазмаларда қўйган ишимизга жаҳонда эътибор жуда катта. Ҳам бир неча марта бу нарсанинг шохиди бўлганман. Чет эллик мутахассислар ҳам, санъатшунослар ҳам биз билан сўхбатлашиб, фикр алмашадилар. Иш жараёни билан танишадилар. Тўғри, бизда ҳозир замонавий ускуналар йўқ. Аммо усталаримиз, ёшларимиз жуда кучли, меҳнаткаш, ўз устиди ишлайдиган кишилар. Агар биз шариоитлар яратилса биз катта ютуқларга эришимиз мумкин.

Баҳодир МАҲМУДОВ.

Мехнатинг — зийнатинг

ЧАПДАСТ ҲАЙДОВЧИЛАР

Тошкент Давлат тиббиёт институти — Талабалар шахарчаси оралигида 12-трамвай йўналишининг фойдаланишга топширилиши айни мuddо бўлди. 5,2 километр масофали йўналишга 12 та вагон бириктирилиб, юқори малакали ҳайдовчилар ишлага таклиф этилди. Шулардан бири Алишер Каримжоновдир.

Дарахт бир жойда кўкаради, деган нақлга амал қилган Алишер Каримжонов 12-трамвай йўналишига тушгандан бери 2503-вагонни чапдастлик билан бошқаради. Унинг хушфелингий йўловчиларга манзур бўлганлиги. Яқинда сарой раҳбарияти бир гуруҳ йўловчилардан Алишернинг номига ёзилган ташаккурнома хатни олишди.

Аёл боши билан ўн йилдан бери трамвай рулини моҳирлик билан бошқариб келаятган Соҳида Соҳиқованинг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқдир. У ёшларнинг меҳрини мураббийси ҳам саналади. Бу ҳайдовчи қўнлик йўловчилар ташкилоти раҳбарияти билан адо этилган чегараланмай аҳолига маданий хизмат кўрсатиш йўлида ижодий изланишда. 2518-рақамли вагонни моҳирлик билан бошқараятган бу тажрибдор аёл ўзининг бой таърибасини ёшлар билан доим баҳам кўради.

Вагонни, озода ва техника жихатида мустаҳкам сақлашда Соҳида опа ҳамкасбларига ибрат бўлган. Унинг нуқсонсиз меҳнатлари бир неча марта бошқарма фахрий ёрликлари ва эсдалик совгалари билан тақдирланган.

Хавфсиз юрвчилар устаси Шокарим Шокиров, Эмин Охунов, Мирзохид Саъдуллаевларнинг илгор ҳайдовчилар сафи ортшишда муносиб улушлари бор. 8-трамвай йўналиши ҳам ўз машалларига эга. Массофаси 13,5 қақирмили йўналишда 25 та вагон Марказий бозор — Бешқайрағоч оралигида йўловчиларни кўзлаган бекатларига таъбир қўймоқда. Бу йўналишга таъбир қўйиб ҳайдовчилар жалб этилган. Ҳозирнинг фидоикорлари Шухрат Рашидов, Мирзохид Саъдуллаевлар ўз малакаларини тинмай ошириш борасида техникага оид китобларни кўпроқ мутлола қилишяпти.

Абдурахим ФАТТОХОВ.
Усмон МУҲАМЕДОВ.



Чилонзор туманида фаолият кўрсатаётган катталар таълим марказида 700 дан орттиқ ишчи-ёшлар 9-11-синф дастурини ўқиб билан бирга турли шхтисолик бўйича хунар ҳам ўрганишлар. САЙИТДИН: ўқитувчи Махфуза Юсупова компьютер техникасидан сабоқ бераётганда.

ЗУРАТДИН Восифий ёзади: «Тарихи оламда» шундай нақл қилинадики, халифа Мустаъсимбиллоҳнинг сотиб олган ака-ука — Ёқут ва Ҳиндухўжа деган икки кули бор экан. Ёқутни ўқ отиш, Ҳиндухўжани эса хат ёзиш хунарига топширади. Аммо Ёқутнинг майли хат ёзиш, Ҳиндухўжа эса ёйандозликка завқ пайдо қилибди. Ёқут ўз ўқларини бир йўла қаламга айлантирибди ва хат санъатини машқ қила бошлабди. Ҳиндухўжа доволу қаламини унутиб, қўлига тушган нарсадан ўқу камон ясай бошлабди.

Буни кўриб Ёқутнинг муаллимини уни каттиқ қалтаклаб, бошини ёриб, бир хонага қамаб қўйибди. Ёқут бошидан оқаётган қон билан хона деворларига шундай харфлар битибдики, муаллими келиб кўрганда озги давотдек очилиб қолди. Ҳиндухўжа эса нукул доволу қаламдан ўқ-ёй ясагани-ясаган экан.

Бир кун икки устод учрашиб қолишибди ва бўлган воқеани бориб халифга айтишибди. Халифа ўйлаб туриб: «Шогирдларингизни алмаштириб олинглар» дебди. Алқисса, Ёқут киска вақт ичида шу даражада таттоғлини эгаллабдики, ҳеч ким унга тенг кела олмас экан. Халифа унга қаломуллоғни китобат қилишни топширибди. Ёқут энг шимариб ишга тушибди. У Қуръон китобатини тайёрлар экан бир жойда кетма-кет келадиган «вов» харфидан биттасини китобат ёзмадасан, ўрнини қолдириб кетибди. Айтаётган тугатган, халифга келтириб берибди, халифа эса унга минг дирхам инъом берибди. Ёқут шунча меҳнати эвазига берилган тўловнинг озлигидан ранжиб, норози бўлиб чиқиб кетибди.

Халифа қаломулло тиловатини қиларкан, ўша «вов» харфи тушиб қолган жойга келганда ниҳоятда ғазабнок бўлиб, Ёқут шаънига ҳақорат сўзларини айтиб, уни қақиртирибди. Ёқут ўзини халифа қақиратганлигини эшитиб, ўнг қўлини боғлаб, бўйинига осганича қириб келибди. Халифа уни кўриб жаҳл билан: «Эй,

Котиблар қаломуллони кўриб, мушоҳада қилиб бир-бирларига қарашиб, ўз бошларини ўша «вов» харфидек қўйи қилиб, бу иш уларнинг қўлидан келмаслигини, ўша харфини худди қаломуллодагидек аниқ ёзмамаслиқларини айтдилар. Буни эшитган халифа ғазабга минди: «Вой сизларнинг холингизгаки, битта харфини

Ҳикматлар хазинасидан

ДОНОЛАР ДЕЙДИКИ...

- Ҳозир руҳлантиришнинг энг яхши йўли — кимнингдир бировни руҳлантиришидир. **Марк ТВЕЕН.**
- Шунга яхши билингки, агар сизни ҳеч ким назарга илмас, албатта, бунга ўзингиз айбдорсиз. **Ф. ДОДРИЖ. СЕРВАНТЕС.**
- Юз ёшга етиш санъатининг шартларидан бири — меҳнат қилишдан иборатдир. **М. ШЕРВЕЛЬ.**
- Меҳнат чарчатади, лекин яқовлик одамни кўрт қаби ёйди. **И. ФРАНКЛИН.**
- Икки киши бир хил иш қилганда бу ишлар бир-бирига асло ўхшамайди. **ТЕРЕНСИЙ.**
- Билимлик барча мураккабликнинг маҳкам қалъасидир. **РУДАКИЙ.**
- Одамдод илмлиликка интилади, қачонки унинг қалбиди илмга бўлган ташналик сўнса, у инсон бўлишдан тўхтади. **Ф. НАНСЕН.**
- Маъносиз тарбия олган одамнинг қайта тарбияланишидан мураккаб нарсаси йўқдир. **Я. КАМЕНСКИЙ.**
- Турли суюқликни қоллаш учун инсон бўш ишга эмас. **Д. ДИССЕН.**
- Чориёр ГУРТИЛИЧЕВ тайёрлади.

БИР ҲАРФ ҚИММАТИ

Ёқут! Кўзинг қаёқда эди? Қаломулло хазинасидан бир харф гавҳарини ўғирлатибсан-ку! — дебди. Ёқут тиз чўкиб: «Шоҳим, подшоҳлик мартабанигиз бундан ҳам баянд бўлсин! У харф қасдан эмас, унутилиш натижасида тушиб қолди», — дебди. Халифа: «Ундай бўлса қўлингга қалам олу ўша гавҳарини гавҳарлар тизимига қўшиб қўй!» — дебди. Шунда Ёқут: «Мени маъзур тутсинлар шоҳим, қўлим оғриб турибди, энди бу иш менинг қўлимдан келмайди», — дебди. Халифа унинг бахона қилаётганлигини билди ва жаҳл билан «Эй, кул, менинг ихтиримда котиблар жуда кўп, хуш-навислари ҳам сон-саноксиз», дебди. Ёқут индамай чўкиб кетди.

Халифанинг буйруғи билан мамлакатдаги барча хушнавис — чиройли ёзадиган котиб ва хаттоғларни унинг хузурига йнғдилар. Халифа уларга: «Бу мушаффа бир «вов» харфи тушиб қолган. Шу харфини ичинглардагиз энг хушнависингиз қўшиб ёзиб қўймоғи керак», — деди.

ёзолмасларинг! — деди у ўшқириб. — Унда мен сизларнинг ҳаётингизни тириклик саҳифасидан сиёсат қаламтароши билан ўчиртираман. Сизларни «вов»дек «хун» ўртасига қўяман! Бу сўзлардан хушлари бошларидан ўчган котиблар тиз чўкишиб: «Шоҳим, бизга бироз муҳлат берсангиз, машқ қилиб, шояд мақсадга етсак», — дейишди.

Халифа уларга қирқ кун муҳлат берди. Улар қирқ кечаю қирқ кунду «вов» харфини қаломуллодагидек қилиб ёзишни машқ қилдилар. Кейин ҳар бири бир саҳифага биттадан «вов» харфини ёзиб, халифа хузурига олиб келдилар. Булар орасида биттаси эътиборга олинди. Халифа ўша харфини ёзган котибга «вов»ни қаломуллога қўйиб ёзиб қўйишни буйурди. Шунда ўша котиб: «Шоҳим, мен ёзган харфини олдин қирқиб олиб, ўша тушуриб қолдирилган жойга қўйиб қўришсин, ёнидаги харфларга муносиб келадиган бўлса мен уни ёзай», — деди. Котиб айтгандек қилишди, қарасалар — харф-

ларда катта тафовут бор. Шундагина халифа ўз хатосини эътироф этиб, иззату иқром билан Ёқутни топшириб келтириб ва ёнидан жой бериб: «Эй Ёқут! Гавҳарнинг ҳақиқати аён бўлди. Сени тож гавҳарининг ёқутидай иззатда сақлайман, кўз мардумидек назардан узоклаштирмаман», — деди. Кейин ўша харфини ёзишга ишорат қилди. Ёқут буйруқни бажаришга рози бўлиб: «Шоҳим, мунаввар раъйингизга махфий қолмағайки, то подшоҳнинг қарами хазинасидан мақсудим ҳосил бўлмагунча бу мuddагиз амалга ошмайди», — деди. Халифа: «Эй Ёқут, қани айт, мақсадинг нима?» — деди. Шунда Ёқут: «Тарозга шу микдор қизилю оқ зар тўнганки, нариги томонда турган одам қўрнимасин», — деди. Подшоҳнинг буйруғи билан у айтганча олтинни уйишди. Шундан кейин Ёқут қалам олиб, ўша «вов» харфини чекди. Халифа хурсанд бўлиб, «Ёқут, бу олтинларнинг ҳаммаси сенники», — деди. Ёқут: «Бош устига», — деди-да халифга таъзим қилиб, бир тангани олди ва дастори борчагаги кистириб: «Зарларни подшо хазинасига олиб бериб, жойига қўйинглар. Бу молни бир жойга йиққангиздан мақсад шу эдики, подшога маълум бўлганки, менинг хатим қадрини билмай, ёзган мушафҳим учун минг дирхам берган эдилар. Бир харф қақрига етганлардан кейин бу қадар лутфу иноят қилдилар. Равшан раъйингиз маълум бўлсинки мушафҳадаги хар бир ёзган харфим шу микдор зарга арзийди», — деб таъзим билан чўкиб кетди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

Хар бир оилада эркалатиш, ширин сўзларнинг асосийси қизларга аталган бўлади. «Она қизим, асал қизим» деб сийлашлар замирида «Болам, сен бугун-эрта бу хонадондан учирма бўласан, қай бир ҳовлига келин бўлиб тушасан, муҳими ҳаётинг ҳам, тилинг ҳам, қиладиган ишинг ҳам биз айтгандек бўлсин» — деган ният этади. Қизларимизнинг сўзи ҳам, ўзи ҳам гўзал бўлмоғи лозим. Бундай хислатга эга бўлган қизларнинг қўли ҳам ширин бўлади. Биз бир пайтлар дарсликларда ўқитганимиз гўзаллик нимада, деган сўроққа энди жавоб топгандаймиз. Гўзаллик меҳнат қилиш билан бирга, ўша меҳнатдан рожатланиш, унинг иқтисодий, маънавий жиҳатдан бизга берадиган закивлардир.

Қиз бола тарбиянинг асосий қисминини оиладан олади, уни боғчада, мактабда шакллантиради. Қиз боланинг ҳуқуқ-одоби ибратли бўлмоғи керак. Демак атрофини таний бошлаган кундан у ўзгараверади. Ширинсўз, яхши муомала ҳамма жойда қадрланади, инсон мушқулсини осон қилади. Қизларжон, бир тасаввур қилиб кўринг-а. Кулчиқлари, ёнокларида, орият ила табассум билан турган қиз чиройлини ёки хумрайиб ёб

қўйгудек бўлиб турган қизми? Айниқса, оstonаси олтиндан бўлган келинлик уйларида ширинсўзлик, чиройли муомалага ўрганган қизларимиз ҳечам қоқилмай уй бекаси бўлиб кетадилар.

Қизлар, қизларжон

ОЛАМ МЕҲРДАН ЯРАЛГАН

Боқира қизларимиз пазанда бўлиб воёга етсалар, ҳамма таомларини тайёрлаш сирларини аста-секин ўрганиб борсалар «пазанда, қўли ширин» деб номлари чиқади. Қизларимизга яна битта айтиладиган гапимиз уй юмушларини бажараётганимизда саранжом-сарилталikka аҳамият бериш. Чунки саришталик қиз-фаришталик қиз деб бежиз айтмайди-лар. Уйлар ораста бўлса, ўзинингиз ҳам баҳри-динингиз очилди, кўнглингиз равшан тортади. Айниқса, ҳовлилари супурилган, сувлар сепилган хонадон, қўчалари ораста уй олдиндан

ўтганлар ҳам, бу хонадонда бир гунча парвариш қилинаётганини кўнглилларида тугиб қўядилар, хар кунни ўтиб кетиб шу хонадонга назар соладилар.

Қизлар ҳақида гап кетганда, уларни таърифлаганда товушлар қўй бўлади,

сўзлар қўшиқ. Қўйга, қўшиққа муносиб қизлар эса меҳр-муҳаббатга ошён хонадонларда камол топадилар, улғаяди-лар. Ораста, тоза, боқира, бепардос қизларнинг ўзи гўзал. Кўнглиллари қаби беғубор қизларимиз ички дунёлари қаби гўзал бўлмоқлари лозим. Ҳозирги даврда баъзи ёшга ярашмайдиган қизлик билан кишилар кўзига хунук қўришиб қоладиган қизларимиз ҳам учраб туради. Қизларимиз ўз ёшларига яраша кийинишлари, сонларини орасталлаб кийишлари керак. Баъзида жамоат жойларида, йнғиларда қизларимизнинг қаттиқ гапириб қулишлари,

ҳаддан ташқари баянд овозда сўзлашларининг гувоҳи бўлаемиз. Ёки оғизларида сақични қарсиллатиб бир-бирлари билан овозини баралла қўйиб гап-лашларини кўриб уларга бу ҳолат одоб доирасига қирмаслигини уқтиришга тўғри келади. Лобар қизларимизнинг овозлари майин шаббодага, табассумлари очилаётган гунчага ўхшайди. Шундай экан, улар ўз ҳуқуқларини, одобларини назорат қилиб боришлари лозим. Чунки ёшлиқда шаклланган одоб, уларнинг умрлари охиригача яхши натижа беради деб ўйлаймиз. Қизларнинг орасталиги уларнинг кийимларида, босган қадамларида ҳам намоён бўлади. Оҳиста қадам ташлаш, фаришта қаби ҳаракат қилиш балогатга етаётган қизларимизнинг кундалик ҳолатларига айлиниши керак. Хуллас, одамларга, ўз хонадонига меҳр билан улғайган қизнинг меҳридан олам нурафшон бўлгандек гўё. Бир қатим нурдек яшанг, қизларжон!

Азизахон ЗАЙНИТДИНОВА,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.



Тошкентдаги ўзбек-турк ҳамкорлигининг қизлар лицейи ўқитувчиси Мовуада Баҳромова қизлар одоби ҳақида сўзлаб бераётганда.

Равшан Аҳмедов ошган суратлар

Раметовлар билан Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театри биносидан учрашдик. Эшикни эҳтиром билан очар экан Саида мулозамет қилди: «Киринг, марҳамат».

Саида Раметованинг асли фамилияси Солиева. У Жумадилла Раметов билан турмуш қургандан кейин умр йўлдошининг фамилиясига ўтган. Турмушидан, ишидан, оиласидан хурсандлиги шундоқгина юзидан кўриниб турибди. Жумадилла бўлса камгап, уйчан...

Саидахон, Жумадилла билан бирга яшаётганларга ўн беш йил бўлибди. Бу бир касбда ишлаб, бир сахнада роль ўйнашга халал бермайдими?

1980 йилда Тошкент театр-расомчилик институтини тугатиб, Абдор Ҳидояттов номли (у пайтада номи «Еш гвардия» эди) драма театрига йўлланма олдим. Хадрадаги ётоқхонада турар эдим. Ёш томошабинлар театрининг артисти Саодатхон билан бир хонада яшардик. Уша пайтада Жумадилла акам ҳам Ёш томошабинлар театрида ишлардилар.

Биласизми, бизнинг оиламиз эътиқодли, иймонли бўлгани, диний ахлоқни маҳкам ушлагани сабаб узимни «юриш», «севиш», «кунгил бериш» деган гаплардан нарироққа олиб юрардим. Жумадилла акам ҳали уни, ҳали буни баҳона қилиб хонамизга кирардилар.

Шу хонада танишган экансизлар-да, Жумадилла-да?

Йўқ-йўқ. Биз лифтда танишганмиз. Саодатхонлар туққизинчи қаватда яшашарди. Лифтга бир кунли келишган оху кўз бир қиз чиқиб қолди. Юрак қургур жиз эди. Ҳеч лифтдан тушгим келмайти. Туққизинчига чиқач биринчи қаватни босаман, пастга кетамиз. Охири Саиддахон лифт тугмасидан кулимни силтаб ташлади: «Қанақа одамсиз узи?»

Кейин туққизинчи қаватга чиқиб, турс-турс юриб бир хонага кириб кетди. Бахтимни қарангки, тўғри Саодатхоннинг хонасига кирдилар.

Дарҳол иззори дил қилишга жазм этдингизми?

Вой, қавқал! Боя айтдимку, бирор нарсани баҳона қилиб киревардилар. Мен ҳеч нарсдан хабарим йўқ, гаплашиб, бемалол ўтиравардим. Ролимни машқ қилардим. Чой ичардик. Бир йилдан кейин Саиддахонга дилимни очдим. Кузатиб юрганганим, ёқтиришимни, ҳатто Туркистон, ҳазрат Ясавий юртидан эканлигимни ҳам айтдим. Турмуш қурайлик дедим.

Саиддахон-чи, Саиддахон?

У шартлар кўйди. Не ниятларда ўқиганман, бир-ичи йил ишлаганимдан кейин уйда ўтириб қолсам нима бўлади, деди. «Мен

ган. Ҳозир, ҳудода шукур, ҳавас қилса арзиғулик уйимиз бор. Иккинчи ўғлимиз Авазбек Глиэр номли мусика мактабининг иккинчи синфиди ўқийди.

Театр, оиланинг икковини бир-биридан алоҳида суёлмайман. Буни Жумадилла акам яхши билади. Иккови мен учун муқаддас. Узи театрга ўқишга киратганимда отам, онам, қариндошлар қарши бўлишган. Мен уларга «Сизлар уйлагандек Саида бўламан, мана қурасизлар» деб ваъда берганман. Ваъдамни, шукр, бажардим.

Энди рузгорга келсак. Дастлаб умринг узоқ бўлгур қайнонам мени хўшаламайроқ юрдилар. Ҳозир шундоқ иноқ-

«Вой, дедим, — турмуш ур-тогим бўла туриб бу нима қилганингиз?» «Ие, — деди йигит, — хотинингизми?» Шунангки додирадикки, бечора, юз марта кечирим сурагандим.

Боя бирга ишлаганинг ахши томонлари бор дегандингиз, Саиддахон?..

Бор, албатта. Бир-бирингизга ҳамкор бўласиз, суянасиз, бир-бирингизнинг кўз олдингизда бўласиз. Жумадилла акамдан жуда хурсандман. Бир сафар телевидениедан сценарий олиб келдим. Унда кўпроқ роль ўйнашга ишқибоз эдим. Зур-зур ролларни роса уйнасам, кўп-кўп уйнасам дердим. Сценарийни Жумадилла акам билан бирга ўқиб чиқдик. Қарасак, буса оладиган, кучоқлашадиган жойлари бор экан. «Олиб бориб беринг, — дедилар Жумадилла ака. — Эл қузидаги одамлармиз. Ҳеч ким роли шунақа экан демайди телевидеорда қурганлар. «Саида шунақа қилаяпти» деб сиздан ихлоси қайтади». Шунангки дустана, одил маслаҳатларни кўп берардилар.

Ҳамза номли театрга нега ўтдингиз?

Мен Абдор Ҳидояттов номли театри жуда яхши кўраман. Кўз очиб қурган театрим ахир. Мени артист сифатида, Саида Раметова сифатида элга танитган театр. Меҳрим жуда кучли... Келинг, бу театрга нега ўтганим сир бўла қолсин.

Жумадилла бу ишингизга нима деди?

Тушундилар, мени қўлаб-қувватладилар.

Ҳамза театрида роль ҳам ўйнадингизми?

«Тунги меҳмон»да бош ролни ижро этялман. «Соҳибқирон»да улжой Туркон оқани ижро этялман.

Сизни қандай кутиб олишди?

Узларнинг сингиллари, дусларидек, қизларидек. Худди ўн йилдан бери шу ерда ишлаётгандекман...

Жумадилланинг Ҳамза театрига ўтиш нияти йўқми?


Ҳозирча йўқ... Бирга ишладик шунча пайт, энди алоҳида ҳам ишлаб қурайлик, дедилар...

Энг охириги савол: тилакларингиз?

Оила — муқаддас! Шунинг ҳамма, айниқса ўқажонларим, сингилларим унутмасалар дердим. Унга доғ ҳам, дарз ҳам тушмасин дердим. Оиласи тинч, аҳил одамнинг ишида, меҳнати парвози баян бўлади. Шу парвоз ҳаммага насиб этсин.

Сухбатдош Темур УБАЙДУЛЛО.

Икки дил достони ҲАМКОР, СУЯНИБ ЯШАЙМИЗ



Саиддахон лифт тугмасидан кулимни силтаб ташлади: «Қанақа одамсиз узи?»

Кейин туққизинчи қаватга чиқиб, турс-турс юриб бир хонага кириб кетди. Бахтимни қарангки, тўғри Саодатхоннинг хонасига кирдилар.

Дарҳол иззори дил қилишга жазм этдингизми?

Вой, қавқал! Боя айтдимку, бирор нарсани баҳона қилиб киревардилар. Мен ҳеч нарсдан хабарим йўқ, гаплашиб, бемалол ўтиравардим. Ролимни машқ қилардим. Чой ичардик. Бир йилдан кейин Саиддахонга дилимни очдим. Кузатиб юрганганим, ёқтиришимни, ҳатто Туркистон, ҳазрат Ясавий юртидан эканлигимни ҳам айтдим. Турмуш қурайлик дедим.

Саиддахон-чи, Саиддахон?

У шартлар кўйди. Не ниятларда ўқиганман, бир-ичи йил ишлаганимдан кейин уйда ўтириб қолсам нима бўлади, деди. «Мен

ган. Ҳозир, ҳудода шукур, ҳавас қилса арзиғулик уйимиз бор. Иккинчи ўғлимиз Авазбек Глиэр номли мусика мактабининг иккинчи синфиди ўқийди.

Театр, оиланинг икковини бир-биридан алоҳида суёлмайман. Буни Жумадилла акам яхши билади. Иккови мен учун муқаддас. Узи театрга ўқишга киратганимда отам, онам, қариндошлар қарши бўлишган. Мен уларга «Сизлар уйлагандек Саида бўламан, мана қурасизлар» деб ваъда берганман. Ваъдамни, шукр, бажардим.

Энди рузгорга келсак. Дастлаб умринг узоқ бўлгур қайнонам мени хўшаламайроқ юрдилар. Ҳозир шундоқ иноқ-

«Вой, дедим, — турмуш ур-тогим бўла туриб бу нима қилганингиз?» «Ие, — деди йигит, — хотинингизми?» Шунангки додирадикки, бечора, юз марта кечирим сурагандим.

Боя бирга ишлаганинг ахши томонлари бор дегандингиз, Саиддахон?..

Бор, албатта. Бир-бирингизга ҳамкор бўласиз, суянасиз, бир-бирингизнинг кўз олдингизда бўласиз. Жумадилла акамдан жуда хурсандман. Бир сафар телевидениедан сценарий олиб келдим. Унда кўпроқ роль ўйнашга ишқибоз эдим. Зур-зур ролларни роса уйнасам, кўп-кўп уйнасам дердим. Сценарийни Жумадилла акам билан бирга ўқиб чиқдик. Қарасак, буса оладиган, кучоқлашадиган жойлари бор экан. «Олиб бориб беринг, — дедилар Жумадилла ака. — Эл қузидаги одамлармиз. Ҳеч ким роли шунақа экан демайди телевидеорда қурганлар. «Саида шунақа қилаяпти» деб сиздан ихлоси қайтади». Шунангки дустана, одил маслаҳатларни кўп берардилар.

Ҳамза номли театрга нега ўтдингиз?

Мен Абдор Ҳидояттов номли театри жуда яхши кўраман. Кўз очиб қурган театрим ахир. Мени артист сифатида, Саида Раметова сифатида элга танитган театр. Меҳрим жуда кучли... Келинг, бу театрга нега ўтганим сир бўла қолсин.

Жумадилла бу ишингизга нима деди?

Тушундилар, мени қўлаб-қувватладилар.

Ҳамза театрида роль ҳам ўйнадингизми?

«Тунги меҳмон»да бош ролни ижро этялман. «Соҳибқирон»да улжой Туркон оқани ижро этялман.

Сизни қандай кутиб олишди?

Узларнинг сингиллари, дусларидек, қизларидек. Худди ўн йилдан бери шу ерда ишлаётгандекман...

Жумадилланинг Ҳамза театрига ўтиш нияти йўқми?

Ҳозирча йўқ... Бирга ишладик шунча пайт, энди алоҳида ҳам ишлаб қурайлик, дедилар...

Ўзбекистон футбол мамлақати бўлади КўТЛУГ ҚАДАМЛАР

Ниҳоят ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлган, чиройли голлару ажойиб комбинациялари билан кишининг завқини оширган мини-футбол буйича сентябрь-октябрь ойларида ўтказилган мусобақаларга яқун ясаиб совриндорлар ҳам аниқланди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари турғисидан»ги қарорига мувофиқ ўтказилган мусобақада Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши ва унга қарашли тармоқ касабаси уюшма кенгашлари ҳамда тармоқ Марказий Кумиталари уртасида мини-футбол буйича 10 та футбол жамоаси Тошкент шаҳрида 2 та гуруҳга бўлиниб голиблик учун қизгин кураш олиб борди.

Пойтахтимиздаги файзли спорт масканларидан бири «Тошқўқмачи» акциядорлик жамиятининг «Тўқмачи» уйингоҳида олтин куз офтобининг заррин нурлари сочилган ям-яшил майдонда ёши, касби, эгаллаган лавозимидан қатъи назар касабаси уюшма ходимлари астойдил ҳаракат қилиб, узлари меҳнат қилаётган ташкилотнинг шарафини муносиб ҳимоя қилиб, мухлислар ишончини оқладилар.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашида бўлиб ўтган йилгилиш мини-футбол буйича уюштирилган турнирнинг яқунлари ҳамда ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғоналаридан урин олган футбол жамоаларини тақдирлашга бағишланди.

Мусобақаларни ўтказишда республика касабаси уюшмалари федерацияси кенгаши раҳбарияти катта ёрдам берганлиги ва бу борадаги дастлабки қадамлар кўтлуг бўлиб, ҳулоса яшаш имконини берадиган даражада таҳриба тулганлиги алоҳида таъкидланди.

Машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кумитасининг футбол жамоаси 1-урин, шаҳар касабаси уюшмалари кенгаши футбол жамоаси 2-урин, фан ва таълим ходимлари касабаси уюшмаси футбол командаси эса 3-уринни эгаллаб, ҳурмат шоҳсупасининг юқори поғонасига кўтарилдилар.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси кенгашининг ва ушбу турнир ташкилий кумитасининг раиси Х. Жамоллов касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгашининг Фахрий ёрқилари, дипломлари, эсдалик совғаларини унинг соҳибларига тантанали вазиятда топширди.

Сунгра чиройли уйинлар намойиш этган иштирокчилар эълон қилинди. Савдо, умумий овқатланиш, матлубот ва турил шаклдаги тадбиркорлик кооперацияси ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кумитаси командасидан Х. Аширов «Энг яхши дарвозабон», Тошкент шаҳар касабаси уюшмалари кенгаши футбол жамоасидан С. Прохоров «Энг яхши ҳимоячи», машинасозлик саноати ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Кумитаси футбол командасидан И. Раҳимжонов «Энг яхши ҳужумчи», касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти шаҳар кенгашининг футбол жамоасидан Э. Парсегов «Энг кекса уйинчи» совринлари билан мукофотландилар.

Шунингдек, спорт малакаси, жисмоний жиҳатдан тайёрларлиги етарли бўлмасида барча учрашуларда тулли таркибда сафида узғариш бўлмаган ҳолатда майдонга тушган республика касабаси уюшмалари Федерацияси кенгаши — футбол жамоасига «Мусобақанинг барқарор жамоаси» соврини топширилди.

Мусобақанинг бош ҳақами Э. Каграманов «Энг яхши ҳакамлик учун», касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг Тошкент шаҳар кенгаши футбол жамоаси уйинчиси Б. Тожиёв «Энг чиройли гол учун» совринларига сазовор бўлдилар.


Бундан ташқари совриндор жамоаларнинг барча уйинчиларига ташкилий кумита томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Улугбек ПУЛАТОВА.



Теннис МАЙДОНДА «ТОШКЕНТСАВДО» ВАКИЛЛАРИ

«Юнусов» спорт-оғломлаштириш меҳмуаси кортларда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб «Тошкентсавдо» бирлашмаси Кубоги учун пойтахт савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ходимлари уртасида қизикarli теннис мусобақалари бўлиб ўтди.



Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Тошкентсавдо» Кубоги мусобақаларини ўтказиш фикри бундан уч ой аввал туғилган бўлиб, унинг 26 нафар иштирокчиси, муттасил машқлар ўтказиб яхши спорт формасига эриштиши учун етарли вақт бор эди. Энг қизилги, теннис майдончасига турнида гаплаб қозониш иштироки билан тушганлар орасида ушбу спорт тури билан хаваскорлик даражасида бир неча йилдан бун шуғулланавтган «Фахрийлар» кечигина қулгига теннис ракеткасини олган «Ешлар» ҳам бор эди.

Катнашчилар бўлиниб кўч синашган ўрта гуруҳнинг ҳар бири кескин, муросисиз ва қизикarli учрашуларга бой бўлди. Мусобақа катнашчиларини қўлаб-қувватлаш учун келган кўп сонли ишқибозлар эса ўз жиҳватдошлари уйинидан завқ олишди. «Юнусов» теннис кортларида профессионал спортчилар уртасидаги бахслардан фарқли улароқ ишқибозлар ва уйинчилар орасида узғача руҳ ҳўқим сурди.



Жуфтликлардаги финал бахсларидан сунг усталар гуруҳида голиблик М. Мақсудов («Истаравшан» жамоа корхонаси директори) — Собир Азизов («Юний» ресторани директори) жуфтликка насиб этган бўлса, бошловчилар гуруҳида И. Отанов («Тойаб-зал ва спорт моллари» акционерлик жамияти раиси), А. Исмоилов («Улоқ» қавахонаси бош ошпази)лар зафар қувишди. Кейинги гуруҳда А. Севуляни («Сервиссавдо» ташкилот директори урин-босари) — Ф. Азизов («Тинчлик» акционерлик жамияти хандолатчиси) биринчи ўринни эгаллашди.

Мусобақанинг барча голибларига қимматбаҳо совғалар топширилди. «СобирРаҳимовсавдо» акционерлик жамиятига қарашли 8-дўкан хизматчиси Р. Павлова ҳамда «Ҳамза» акционерлик жамияти ходими А. Собировлар турнирнинг энг фаол ишқибози сифатида махсус соврин билан тақдирландилар.

Дилшод ИСМОИЛ.

Тўйхат ўрнида СЕН МЕНИНГ ЁШЛИГИМ, МЕН СЕНИНГ...

Мақоламга шундай деб сарлавҳа кўйдим. Чунки азиз дўстим, қадрдоним Лазиз ҳақиқатан ҳам менинг ёшлигим, мен бўлсам унинг. Ҳа, энг ажойиб талабалик йиллари эди ушунда. Ҳам ҳаётга, билимга чанқоқ дамлар. Унинг исмини айтиб, шарифини демаганлигим боиси ҳам шунда. Бир партада турт йил, ёнма-ён ўтириб, ёшлик гаштини бирга суриб юрган дамларни эсдан чиқариб бўладими?

Эсга олсам юрагим негадир уюшиб кетади. Тавба, кечигина қўл ушлашиб юрган эдик, умр ҳам оқар дарё каби ўтиб кетибди, энди ҳечам орқага қайтмас. У билан урушининг оғир йилларида Шайхонтоҳурдаги Тошкент юридик институтинида бирга таҳсил қурганимиз, турт йил бир партада ўтирганимиз, битта майизни бўлиб еганмиз. Менинг онам унга она эди, отаси Мухаммад Лайлиев устозим, онаси Рохат холани иккинчи онам дердим.

Уруш қургур бизни не кўйларга солимади, талабаларга бериладиган озоқ-овқат талонларига олган қанд, совун, ёғни Шайхонтоҳур бозорига пуллаб, кейин чойхонада улфатларни йиғиб ош қилардик. Кўнлардан бир кун кўрсатдимиз Ҳаққор Қосимов уйига меҳмонга айтиб қолди. Лазизнинг овғиндаги тўғлиси асқорқок экан, шунда Юнусовдаги боғимиздан отамнинг америкон этигини олиб келганимиз. Нимасини айтасиз, этик қургур дўстининг овғини сиқиб, жингиртоб қилиб юборди. Меҳмондорчилик ҳам татимаган эди.

Мен талабалар ҳаётидан биттан «Ойдин кечалар» қиссамда қадрдон дўстим Лазиз Охунжоновнинг сиймосини чиқарганман. «Курсури дўстим Лазиз билан ёнма-ён ўтирамиз... Ажойиб йигит. Узи сурааташликни жондан ҳам янш қуради... Унга мен гоҳ-гоҳ: «Расомлиқни севасан, уз касбинг буйича ўқисан бўлмайдингиз» десам, «шу ерда ўқиб ҳам расом бўлавераман», деб жавоб беради».

Институтда ўқиган кезларимизда институт деворий газетасини Лазиз билан бирга чиқарар эдик. Дўстим яхшигина суракташ ҳам эди. Шундай расмлар чизардикки, агар шу йўлдан борганда машқур мусавир бўлиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Лазиз Охунжонов 1947 йилда институтни имтиёзли диплом билан битказди. Кейин шу олийгоҳнинг аспирантурасига ўқишга кирди. Мен ҳам. Замонанинг зайли билан газетатга ишга ўтганимдан кейин дўстимни журналистика соҳасига тортишга ҳаракат қилдим. У билан «Коммунист» журналида бирга ишладик. Аммо Лазиз Охунжонов илм қилмоққа жазм этди. Дастлаб ҳўқуқ фанлари номзолиги учун Қорақалпоғистонда дав-



латчиликнинг ривожланиши мавзусида диссертация ёқлади. Шу билан бирга узоқ йиллар Тошкент юридик институтинида «Давлат ва ҳўқуқ умумий тарихи»дан дарс берди. Етмиш ёши арафасида фан доктори даражасини олди. Энди у эътиборли олим, тажрибали ўқитувчи. Илмий асарлар, монографиялар муаллифи. Катта оиланинг бошлиғи, ували-жували.

Қарангки, яқиндагина институт кўйинида ҳаётдан сабоқлар олиб, ўқиб юрган Лазиз Охунжонов етмишга кирибди. Тўйига тақлиф қилиб келган экан, сочлари оқариб, юзларида ажинлар пайдо бўлибди. Ҳа, умр ўтиб кетибди. Негадир безовта бўлиб, юрагим галати булгандай сездим ўзимни. Дала боғимда ишлаб юрганимда ҳам шундай кайфият баъзан-баъзан юрагимни эзди. Қўйғос очилиб ётган анвойи гулларга қараб юрагим увишадди, гўё уларда ҳаётнинг гузаллиги-ю, умрнинг қисқалигини кўргандай бўламан.

Дўстим Лазиз Охунжонов ҳам нозиктабиат йигит. Сўхбати ширин. У билан бирга барча мавзуларда сузлашиб, дардлашиб мумкин. Ҳеч кимга айтиб бўлмайдиган сирларимни унга дердим. Ҳаётда ҳар бир инсон учун дилкаш дўст жуда-жуда ҳам зарур экан. Ахир оғир кунингда ҳам, бахтиёр дамларингда ҳам кўнлинига яқин дўстинг кўнлигга врайди. Катта лавозимда ишлаб юрганимда дўстларинг кўнаиб кетади. Мансабдан тушгач, мени тарқ этган уртоқларимга ачинаман. Аммо менинг азиз дўстим Лазиз Охунжонов ҳамма вақт бирдай. У менинг ёшлигим, мен унинг...

Энди Лазиз юридик фанлари доктори, атоқли олим. Журналист, суракташ. Боз устига вафодор дўст, дилкаш уртоқ. Унга абадул-абад қадрдоним деб қўл берганман. Илоҳо, болалари, оиласи бахтига узоқ йиллар омон бўлсин.

Мақсуд ҚОРИЕВ.

СУРАТДА: Лазиз Охунжонов билан бирга талабалик йиллардан бир дақиқа.

Маслаҳатларимиз РУЗГОРДА ФЙДАЛАНИНГ

Ялтироқ ва кумуш идишларни новшадил спирти билан хуланган юнгли матода артсангиз шу қадар ялтирайдики, куриб янги деисиз.

Кирланга кетган ёмгирпўшув ва новшадил спирти аралашмасида (бир литр сувга янги стакан новшадил спирти

қушиб тозаланади. Новшадил спирти билан ёғ доғини кетказиш мумкин.

Чарм пальто, сумка ва жамадонларни кир совун, новшадил спирти ҳамда сувдан иборат аралашмада тозаланиб, ялтироқ қилинади.

Чойшаб яхши оқарсин дегансиз, бир челақ сувга бир ош қошиқ новшадил спирти қушиб чансангиз, кифоя.

Гулчехра ЖАЛИЛОВА.

ҚУПОҚА ЧАЛИНГАН ГАПЛАР

□ Узингдан катталарни ҳурмат қилинлар. Чунки уларнинг тажрибаси кўп — сизлардан битта кўйлакни ортиқ йиртган.

(Устознинг насихати).

□ «Бозорга» тушадиганлар трамвайнинг олдига ўтиб туринлар.

(Хайдовчининг мурожаати).

□ Йигилликда жуда зур гаплар бўлди. Ҳеч нарсасига тушунмаган бўлсам ҳам, йўталишларга тушундим.

(Махалладошлар сўхбатидан).

□ Бугун раис бува бригадирнинг пустигини роса қокди...

(Дала майдондаги сўхбатдан).

□ Узимизга қўйиб беришса булган...

(Улфатлар гурунгидан).

□ Кўча бўйлаб ширали аччиқ ҳид эгаллик қилади...

(Хаваскор ёзувчининг машқидан).

□ Сувнинг майин бағри тошларни уриштиради. (Туман газетасида босилган лавҳадан).

□ Ҳамма оғизларидан гуллаб, Шохир акани маҳаллада бош кутариб юрўлмайидан қилиб кўйди. (Кўшнлар ҳасратидан).

Хусанбой ТОЖИМАТОВ.

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси» «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» 64690

Ўлкамизнинг шифобахш неъматлари

ОШҚОВОҚ — КОНИ Фойда

Ўлкамизда олтин куз фасли давом этмоқда. Боғларимиздаги ширин-шакар мевалардан тортиб ишқомлардаги олтинранг узум бошларигача, полилардаги турли сабазот экинларидан тортиб то резавор меваларгача бари етилиб, айни шарбатга тўлган пайти. Мазаси оғизда қоладиган қовун ва тарвуз ҳазанагидан сўнг резавор истеъмол қовоққа ўтади.

Маълумки, серёғ ва сергўшт таомлар билан бирга резавор мевалар еб юришнинг киши танаси учун фойдаси ниҳоятда катта. Чунки табиат яратган бу табиий ноз-неъматлар ҳам овқат урнини босса, ҳам шифо урнида танамиздаги баъзи касалликларга қарши курашда шифо вазифасини бажаради, шунингдек, йиллар мобайнида йғилиб ётган турли иллатлардан танамизни тозалашда беминнат восита ҳисобланади. Биз кўпинча бозордан қовоқ маҳсулотларни сотиб олсак, ундан бирор хил овқат пишириш ёки сомса ёпиши ҳаёлимизга келтирамиз. Лекин кўпчилик унинг табобатдаги салмоқли ўрнини ўйлаб ҳам қурмайди.

Қовоқ Урта Осиёнинг барча республикаларида полиз экин тарихида кўп экилади. Илдиэ тизими кўчи бўлиб, чуқур тушиб борадиган бир йиллик усимлик. Унинг тарихида 4 дан 12 фозигача оқсил моддаси, 10 фоз атрофида шакар моддаси, турли маъдан моддалар ҳамда А, В1, В2, С дармондорилар мавжуд. Ошқовоққа яна аъзоларимиз учун зарур бўлган пектин моддаси ҳам бор. Уруги эса халқ табобатида гишкарларни туширадиган дори сифатида қадимдан фойдаланилади. Шунингдек, уруғларини буйрак ва қовуқ касалликларида ишлатилади. Унинг уругида анчагина мой, қатрон моддалар, органик кислоталар ва турли дармондорилар мавжуд. Уругини намोकбили сувда ювилади ва қизитилган қозонда қовлаб-қовлаб қовурилади ёки духовка патинида ҳам қовурса бўлади. Табиблар қовоқ уругини наҳорга еб юришни тавсия этади.

лар. Камқонлик, сил касалликлари, хусусан булар баданга ширин келиши билан давом этаётган бўлса асалли сувга солиб қайнатилган қовоқ фойдалидир. Хом қовоқ эти ёки пусти арчилган уруғларидан тайёрланган малҳам, бадандаги жароҳатлар, куюк яралар, сепкил ва хунсўзарларга ишлатилади.

Абу Али ибн Сино қовоқдан тайёрланган қайнатмани йўтал ва кўкрак оғриги, сувини гул мойига қўриштириб ангинага ишлатишни тавсия этади. Қовоқ совуқлик бўлиб киши ҳовурини олади, пешоб ҳайдовчи, иссиқни пассивирувчи таъсир кўрсатади. Лекин қадимги ҳақимларнинг фикрига қура, меъда касаллиги билан оғриган беморларга қовоқ буюриб бўлмайди.

Замонавий тиббиётларда олиб борилган таҳрибаларга қура қовоқ мевасининг эти пешоб ва ут ҳайдовчи ҳамда иччи юмшувчи восита эканлиги аниқланди. Уни мунтазам истеъмол қилиб турилса танандаги ортиқча хлор тузлари чиқиб кетади. Унинг палагидан тайёрланган қайнатма ҳам ичакдаги турли чўкмаларни ҳайдаб чиқаришда яхши восита ҳисобланади. Жигар, юрак ва буйрак ишининг усайиши муносабати билан баданга ширин келган ҳолда, шунингдек парижонхотирлик, семизликда қовоқ истеъмол қилиб турилиши анча фойда кўрсатади.

Ошқовоқнинг 30 дан ортиқ тури мавжуд бўлиб, барчасини истеъмолга ишлатиш мумкин. Улардан манги, сомса, сутли суёқ ош, қаймоқ шурва, ширқовоқ, кади бийрон, ошқовоқ яхнаси, ошқовоқ балиш ва бошқаларни тайёрлаш мумкин. Ҳатто уни паловга қўшиб пишириш ҳам тавсия этилади.

Оқила РАИМОВА.

Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРAT ХАБАРАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

25 октябрдан то 5 ноябрга қадар Исмоилов (собиқ 23-партсъезд) кучасининг 20, 22, 24, 26, 30, 32-уйларида, Майна Ҳасанова кучасининг 37, 37/1, 39, 27, 22, 24, 28, 32, 34, 35, 35/1-уйларида, Қадидев кучасининг 10, 12, 14-уйларида, Майпоқ кучасининг 1, 2, 3, 4, 6-уйларида истиқомат қилувчи абонентлар алоқа бўлмайди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

Ишбилармонларни ишга ТАКЛИФ ЭТАМИЗ Тел. 57-07-01. Кечки пайт. «Нива» русумидаги, 1992 йилда чиқарилган автомашина СОТИЛАДИ Телефон: 67-98-40. Соғлигингизни тиклашга ҳамда узингизни яхши ҳис қилишингизга ЁРДАМ БЕРАМИЗ Тел. 57-07-01. Кечки пайт.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳазонни иккунга эълон буюришга оидий ва кичик бошлиқ таркибидagi бўш лавозимларга жимсонан соғлом, 30 ёшдан ошмаган, ҳақиқий ҳарбий хизмати ўтаган ва Тошкент шаҳрида рўйхатдан ўтиб дийми яшаш жойига эга бўлган, урта маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хизматга қабул қилади. Сўхбатдан ўтиб, хизматга қабул қилинган номзодлар амалдаги тартибларга мувофиқ имтиҳонлардан фойдаланадилар.

Қўшимча маълумотлар учун Тел: 62-70-21. «ВОХА-РОМ» масъулияти чекланган жамоа ТУГАТИЛАДИ Даволаб эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Ақмал Икромов тумани ҳокимлиги туман ҳокимининг уринбосари Алишер Мухаммадхўжаевга отаси Ҳикматулла МУХАММАДХўЖАЕВИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТўЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақачасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар жой манзиллоҳи, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақачасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлимлари ва «Матбуот уюшмаси» агентликларини хадимлари тўлғазали.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ TOSHKENT OQSHOMI

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилми.3: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-08-74; факс: (3712) 33-08-74

Нашри етказиб бериш масаладари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» 33-74-05 телефони мурожаат қилишингиз мумкин.